

ЭЛНИНГ АСЛ ФАРЗАНДЛАРИ.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи “Хотира ва қадрлаш” бўлими мудири:*

Донохон Шайхитдинова

Бугунги кунда ёшларимизнинг ўзи тўғилиб ўсган, вояга етган қишлоғи, юрти тарихини билишга қизиқиши ортиб бормоқда. Ҳарқандай халқ, миллат ўзи босиб ўтган йўлнинг ютуғи, йўқотишлари, қурбонлари, қувонч ва ташвишларини холис ва ҳаққоний билсагина, унинг онгу шуурида тарихий ҳақиқатга муносабат шаклланади ва инсонийлик сифатлари ортади, маънавий олами кенгаяди, бугунги кун қадрлари ва аҳамиятини теран ҳис қила бошлайди.

Ўзбекистон собиқ иттифоқ давридаги тарихнинг мислсиз аламлари ва қайғули саҳифаларидан бири 1920-50 йиллардаги қатағон қурбонлари ва уларнинг қамоқхона ва лагерлардаги аянчли ҳаёти масаласидир. 1937-53 йилларда биргина Ўзбекистон бўйича қариб 100 минг нафар инсон қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб экспозиция ташкил этилган бўлиб, ундаги Нуриддин Қориевга тегишли маълумотлар диққатга сазовордир.

Нуриддин Қориев 1893 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Унинг ёшлиги қийинчилик ва оғир меҳнат қилиш билан ўтди. Бошланғич таълимни 3 йил ўқиди, замон зайли билан оилага кўмаклашиш мақсадида Наманган шаҳридаги ёғ заводида юк ташувчи, бозорда аравакаш ва мардикорлик ишларига ёлланган.

1917 йилдаги ШУРО ИНҚИЛОБИДАН СЎНГ ПАРТИЯГА АЪЗО БЎЛИБ КИРДИ. 1917 – 20 ЙИЛЛАРДА мамлакатда ҳукм сурган истиқлол ҳаракатида фаол иштирок этади. 1918 йил декабрида Наманган уездига қарашли Наманган туманида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борди. Наманган ва Фарғона вилоятларида унга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажарди.

1924 йилда мамлакатда ўтказилаётган ер – сув ислоҳоти вақтида унга шу ислоҳот бўйича тузилган Самарқанд вилояти комиссиясига раис этиб тайинланади. Нуриддин Қориев 1920 -30 йилларда уезд, шаҳар, ижроқуми бўлими мудир, масъул котиб, Сардоба даҳаси оқсоқоли, милитсия бошлиғи, ревком раиси, Ўзбекистон Марказий ижроқўми масъул котиби каби масъулиятли лавозимларда фаолият олиб борган.

Наманган шаҳрида бўлиб ўтган партиясизлар конференциясида сўзлаган нутқида куйиниб шундай деган эди: “Мусулмон меҳнаткашлари энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлганлар. Турмушнинг қайси соҳасига кўз ташламайлик ҳамма жойда икки хил улчов бор: бири овруполиклар учун, бошқасимусулмон аҳоли учун. Ширкат ва озиқ – овқат идораларида егуликлар аксарият овруполик аҳолига берилган, мусулмонлар оммаси эса тўқ овруполик аҳоли кўз ўнгида очлик азобини тортди бўлиб кетаверади. Мактаблар, театрлар ва бошқа маданий муассасаларнинг аксарияти овруполик аҳоли учун очилган ва ишлаб турибди. Хуш, бундай ахволдан қандай чиқиш мумкин. Маҳаллий мусулмон миллатлари вакиллари ҳар қадамда, ҳар қадамда, ҳар дақиқада великорус шовинистлари томонидан ўзларига нисбатан ишончсизликни, душманликни, аёвсизсизлик ва ёвузларча ваҳшийликни кўрдиларки, ҳатто чор ҳукумати даврида ҳам тушга кирмаган ҳолат юзага келди. Улар миллий озодлик кураши билангина ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари мумкинлигига қатъий ишона бордилар.

1924 йил Наманган уезд шаҳар кенгаши съездида Н.Қориевнинг самарали ва шавкатли меҳнати муносиб тақдирланиб, унга “Меҳнат қаҳрамони” унвони берилганлиги хужжати алоҳида аҳамиятга эга. 1925 йил феврал ойида бўлиб ўтган Туркистон ишчилари, деҳқонлари ва аскар депутатларининг 1- Бутун ўзбек съездига Н.Қориев Фарғона вилоятидан ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегат этиб сайланган. Бу съездда май ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Бутуниттифок 3 – съездида ҳал қилувчи овозга эга делегат этиб сайланди.

1930 – 34 йилларда олиб борган фаолиятига қораланиб , у “халқ душмани” деб топилди ва 1938 йил 13 ноябрда отиб ташланди.

У инқилоб ва миллий ҳаракатларда иштирок этганликда айбланган. 1956 йилги XX съездда кўтарилган масала, яъне истиқлол учун курашган, миллатни хуррият ва эркинликка чорлаган , халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти учун тинмай курашган ҳамюртларимиз қатори Нуриддин Қориев хужжатлари ўрганилди.

1958 йилда 28 июл Ўзбекистон Олий Суди қарори билан Нуриддин Қориевнинг номи оқланди.

Нуриддин Қориев ҳаёти бугунги ёшлар учун ибрат намунасидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Р.Шамсутдинов.Қатағон қурбонлари.Тошкент.2007 йил.
- 2.Ўзбекистон миллий энциклопедияси.7 том.
- 3.Л.Аҳмадалиева. Э.Қорабоев. Қатағонлик Наманганликлар тақдирида. Наманган-2014йил.
- 4.”Мураббий” газетаси.2019 йил.